

Самарканд ш

ОЛДИ-СОТДИШАРТНОМАСИ № 14

«14» «Сентябрь» 2022 й

«MOXLAROYIM ILHOMOVNA» СП, кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи директор М. Зиядуллоева номидан, бир томондан Бевосита Буюртмачи Самарканд кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи раҳбар А. Мухоммадиев номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан узи ишлаб чиқариб Сотиб олувчига ўз вақтида сифатли мулк килиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

| № | Товар (маҳсулотлар) номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи  | Баҳоси   |
|---|--------------------------|---------------|------|--------|----------|
| 1 | Маҳсулот оёқ кийим       | туфел         | 370  | 179700 | 66485000 |
| 2 |                          |               |      |        |          |
| 3 |                          |               |      |        |          |
| 4 |                          |               |      |        |          |
| 5 |                          |               |      |        |          |
| 6 |                          |               |      |        |          |
| 7 |                          |               |      |        |          |
| 8 |                          |               |      |        | 66485000 |

1.2. Шартноманинг умумий сўммаси 66 485 000 сум ( 66 485 000 сум ) сумни ташкил қилади.

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

- 2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани газначилик бошқармасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдорида (шартнома суммасидан 15% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.
- 2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 10 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.
- 2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.
- 2.4. "Буюртмачи" товарларни қабул қилишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товарларга мувофиқлигини текшириши шарт.
- 2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.
- 2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.
- 2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.
- 2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш
- Буюртмачи ҳисобидан товарларташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;
- Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;
- Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:
- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;
  - камчиликларни бегараз бартарф этиш;

- Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

### 3.3. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлигини - "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслиги натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

### 3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 10- кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартларива талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқи жро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг жросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманиннг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига етказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

### 4.3. Етказиб берувчи:

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек тақлиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи шартнома шартларининг буюртмачи назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- шартнома шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундирилинади.

4.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.6. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идиш ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишлар жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

## 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳсларкелиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқилади.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАРО

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.



## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кирилади ва 2022 й. “31” декабргача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

## 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

| Мол етказиб берувчи   | Буюртмачи  |
|---|--|
| Ташкилот ном «МОХЛАРОҲИМ ИЛХОМОВНА» СП<br>Манзил: Самарканд ш Гагарин 95 уй<br>Телефон: 91 557-49-41 93-994-56-92<br>Факс:<br>СТИР коди: 307788604<br>ОКОНХ:<br>Х/Р 20208000205286479001<br>Банк номи АТИБ Ипотека банк<br>МФО 00312<br>Раҳбар (директор): <br>М. Зиядуллоева<br> | Ташкилот номи: Самарканд вилояти, Самарканд<br>Манзил: Самарканд ш Гагарин 95 уй<br>Тел.: 91 557-49-41 93-994-56-92<br>Банк номи; Марказий банк Тошкент шаҳар<br>СТИР коди: 201215685<br>ОКОНХ: 91511 МФО: 00014<br>ШХР 402148648401202600058002<br>ШХР<br>Молия вазирлиги Ғазначилик бошқармаси<br>Ғ/х: 23402000300100001010<br>Банк номи:<br>МФО 00014 Ғазначилик бўлинмаси ИНН<br>рақами: 201122919<br>ОКОНХ: 97160<br>Директор <br>М. У. (имзо)<br><br> |

Хуқуқшунос \_\_\_\_\_

Лицензия (диплом) № берилган санаси: \_\_\_\_\_

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 й

Хуқуқшунос \_\_\_\_\_

Лицензия (диплом) № берилган санаси: \_\_\_\_\_

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 й

2022 й « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_ сонли шартноманинг 3 varaғи

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

Самарқанд вилоят соғлиқни  
сақлаш бошқармаси бошлиғи  
Д. Жуманиязов



Махсус оёк кийим сотиб олиш танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши  
**БАЁНИ**

Самарқанд шаҳри

« 13 » сентябр 2022 й.

Раислик қилувчи

Д. Жуманиязов

Иштирок этган комиссия аъзолари:

А. Баратов

Комиссия котиби, бош ҳисобчи

У. Холматов

Комиссия аъзоси, бўлим бошлиғи

Н. Шоходжаева

Комиссия аъзоси, мутахассис

Ш. Бойзақов

Комиссия аъзоси, мутахассис

Ф. Урақов

Комиссия аъзоси, хўжалик мудири

**КУН ТАРТИБИ:**

Махсус оёк кийим сотиб олиш учун сотиб олиш масаласини муҳокама тартибида куриб чиқиш.

Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан 2022-йил 29-августда Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига Махсус оёк кийим сотиб олиш бўйича № 22110012144996-лот раками билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 10-сентябрдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган “Махсус оёк кийим сотиб олиш” бўйича баённомасига асосан эълон якунига кўра “MOXLAROYIM ILHOMOVNA” ОК ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб:

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимида жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.



2. Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош ҳисобчиси А. Баратовга:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 10-сентябрдаги электрон баённомасига асосан ғолиб “MOXLAROYIM

ILHOMOVNA" OK korxonasi bilan konunchilikda urnatilgan tartibda shartnoma tuzilsin.

3. Samarqand viloyat soʻgʻlikni saqlash boʻshqarmasi mutaxassisi Sh.Boyzaqov va xujalik mudiri F.Uraqov etkazib berilgan mahsulotni sifatini tekshirib qabul qilib olish yoklatilsin.

### Комиссия аъзолари

- |              |  |                                |
|--------------|--|--------------------------------|
| А.Баратов    |   | Комиссия котиби, бош ҳисобчи   |
| У.Холматов   |   | Комиссия аъзоси, бўлим бошлиғи |
| Н.Шоходжаева |   | Комиссия аъзоси, мутахассис    |
| Ш.Бойзақов   |   | Комиссия аъзоси, мутахассис    |
| Ф.Урақов     |  | Комиссия аъзоси, хўжалик мудир |